IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL–2 ISSUE–1
https://wordlyknowledge.uz/

Чет тили дарсларида интерфаол усуллар ва уларнинг тавсифи

Имомова Малохат
ФарДУ ўқитувчиси

Аннотация: Бугунги кунда жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторидан ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи учун фуқароларимизнинг чет тилларини мукаммал билиши жуда муҳимдир.

Калит сузлар: педагог, тарбия, замонавий таълим.

Айни пайтда эса чет тилларини ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам ривожланиб бормоқда. Шунингдек, таълим – тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш, мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳар бир педагог шуни эсда тутиш керакки, дарс ўқув, тарбия жараёнининг асосий формасидир. Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлашга ижод қилишга ўргатиши лозим. Дарсда уч мақсад кўзда тутилади: таълим, тарбия ва ривожлантириш. Бу уч мақсадни амалга ошириш учун интерфаол усуллардан фойдаланиб дарс ўтиш яқиндан кўмак беради. Бундан ташқари, замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан яна бири, ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юқори натижаларга эришишдир. Бу вақт оралиғида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзсидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, уларни фаолиятини назорат қилиш, сўнгра билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кундаги дарсларга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири ҳар бир дарсда танланадиган мавзунинг илмий асосланган бўлишидир, яъни дарсда кўзланган мақсад ва ўқувчилар имкониятини ҳисоба олган ҳолда мавзу ҳажмини белгилаш, унинг мураккаблигини аниқлаш, аввалги ўрганилган мавзу билан боғлаш, ўқувчиларга бериладиган топшириқ ва мустақил ишларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, дарсда керак бўладиган жиҳозларни белгилаш ва қўшимча кўргазмали қуроллар билан бойитиш,

интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда дарсда муаммоли вазият яратишдир. Бундан ташқари асосий талаблардан яна бири барча дидактик вазифалар дарснинг ўзида ҳал этилиши, уйга бериладиган топшириқлар ўқувчиларни дарсда олган билимларининг мантиқий давоми бўлиши керак.

Демак, қуйида таълим амалиётида фойдаланаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритмоқчимиз.

1. Самимий ва қулай муҳит яратиш ва уни ушлаб тура олиш
2. Кўргазмали қуролларга эътибор қаратиш ва улардан фойдаланиш
3. Гуруҳларга бўлиниш
4. Хатоларни қайта тузатавермаслик
5. Суҳбатлашиш
6. Бахс- мунозара

1. Француз тилини бошқа ҳорижий тилларга нисбатан ўрганиш бироз қийин. Баъзи ўқувчилар француз тилида эркин ва равон мулоқот қилишлари учун билимлари, маҳоратлари ҳамда қобилятлари камлигини яхши тушунишади. Улар немис тилида эркин ва яхши сўзлашишлари учун ўз она тилида гапирмасликлари лозим. Ўқитувчи эса улар ўрганаётган тилни тажриба қиладиган қулай, хавфсиз дўстона шароит яратиб бериши керак. Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларни доим қўллаб қувватлаши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга ўқувчилар фикрларига эътибор бермайдиган ва уни инобатга олмайдиган ўқитувчи қўпол, қаттиққўл ва раҳмсиздир. Бу одат ўқувчиларда ўқитувчи фанига нисбатан салбий муносабатга сабаб бўлиши мумкин ёки аксинча ўқитувчи ўқувчиларни қўллаб-қувватласа, улар билан дўстона муносабатда бўлса, унга ва фанига доим ижобий муносабат олади.

2. Оддийгина бир расм узун таърифнинг ўрнини боса олади. Айниқса бу чет тилларини ўқитишда муҳим интерфаол методлардан биридир. Кўргазмали қуроллар доим оммавий ҳисобланади, чунки улар оддий сўзлардан бошлаб предлогларни тугатишгача барча нарсани ўқитишда амалий услубдир. Кўргазмали қуроллар фойдали қўлланмалардир, улар ўқувчиларнинг қизиқишини фаоллаштиради ва хотирасини мустахкам сақлайди.

3. Доимо гапирадиган ўқитувчи ўқувчиларга чет тилида алоқа қилиш ва амалётда қўллашни етарли даражада

ўргата олмаслиги мумкин. Гуруҳларга бўлиниш эса чет тилларини амалиётда қўллашни бошлаш учун самарали усулдир. Гуруҳ қатнашувчиларининг сони учтадан бештагача бўлиши жуда мақсадга мувофиқдир. Агар қатнашувчиларнинг сони кўп бўлса баъзи ўқувчиларда чет тилидан фойдаланиш имкони бўлмай қолиши мумкин.

4. Ўқувчиларни чет тилида доим эркин ва равон гапириш истаклари кучли бўлади. Лекин улар бу ҳолатда баъзи камчиликларга йўл қўйишади. Агар сиз уларни хатоларини қайта кўп марта тўғирласангиз, ўқувчиларнинг тил ўрганишга бўлган истаклари пасайиб боради. Улар бирор хато қилишдан ва ҳар сафар гапирганда ўзларининг хатолари тўғриланишидан қўрқишади. Оқибатда эса уларнинг гапириш ва ҳохишлари аста камайиб бориши ёки йўқолиши мумкин. Бу билан ўқитувчи умуман хатоларни тўғриламаслик дегани эмас. Агар бирор мавзуни муҳокама қилсангиз, масалан: ўтган замон, унинг фойдаланиш ва ясалишида хато қилган ўқувчиларни тўғирлаш жуда зарурдир.

5. Суҳбатлашиш бу-кўп қўлланиладиган ва самарали усуллардан биридир.Бу кўпинча савол - жавоб усули деб ҳам юритилади. Чунки мазкур усул дарс жараёни савол - жавоб воситаси асосида олиб борилади. Ўқтувчи ўқувчиларга савол бериб ёки илгари ўзлаштирган билимларини эсларига тушириш шу билан мавжуд буюмлар асосида янги мавзулардан тегишли хулоса ва натижалар чиқариш, умумлаштириш, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларига таяниб янги хулосалар чиқаришни таклиф этиш йўли билан билим, кўникма ва малакалар бериши назарда тутилади. Суҳбатлашиш усули ўувчи фаолятининг янги қирраларини очиб беради ва бир мақсадга қаратилган мустаҳкам ҳаракат бирлини туғдиради.

6. Бахс мунозара усулида ўқувчиларга бир кун олдин мавзу берилади. Ўқувчилар мавзуни ўқиб, саволларга жавоб топиб гуруҳларда ўша саволларга жавоблар баҳс-мунозара асосида олиб борилади. Жуфтликда ишлаш бу устуворликка эга усуллардан биридир. Ўқитувчига савол берилади, бериладиган саволлар муаммони чиқарадиган бўлиб, ўувчилар жуфтликда унинг ечимини топишади. Жуфтликда ишлаш ўқувчилар орасида муаммоларни бартараф этиш тўғрисида мулоқот уюштирилишига

чорлайди. Агар ўқувчи жуфтлиги жавоб юзасидан кўргазмали материал, жадвал ёки диаграммалар тайёрланган бўлса, ўша жуфтликнинг ҳар бир азоси ўз фикрининг маҳсули билан ғурурлана олиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интерфаол усулларни қўллаб дарс ўтилганда синфда қолоқ ўзлаштирмайдиган ўқувчи қолмайди. Ўқувчилар ўртасида дўстона муҳит яратилади. Деярли барча ўқувчилар дарс жараёнига жалб этилиб, уларнинг дарсга қизиқишлари ортади. Ўқувчиларнинг келгусида мустақил билим олишларига, хунар ўрганишларига имкон яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Г.Тер-Минасова. “Язык и межкультурная коммуникация” М., Сўз, 2000

2.Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. “Фан” наширёти. 2006

3. Ў.Ҳошимов, И.Ёқубов. Инглиз тили ўқитиш методикаси. “Шарқ” наширёти. 2003

4. Ахмаджонов Н. Analysis of poetonyms used in poetry // International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 12, volume 104 published December 30, 2021 P. 509-512 Impact Factor: Philadelphia, USA ISRA (India) = 6.317 ISI (Dubai, UAE) = 1.582 GIF (Australia) = 0.564 JIF = 1.500 SIS (USA)= 0.912РИНЦ (Russia) = 3.939 ESJI (KZ) = 9.035 SJIF (Morocco) = 7.184 ICV (Poland) = 6.630 PIF (India) = 1.940 IBI (India) = 4.260OAJI (USA) = 0.350

5. Ахмаджонов Н. Analysis of poetonyms in prose works// International interdisciplinary research journal (giirj) Volume 10, Issue 2, February, 2022 ISSN: 2347-6915 SJIF Impact Factor: 7.472 P. 487-490

6. Ахмаджонов Н., Шукуров Р. Precedent names in the artistic text as allusive names //academicia, An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Revi ewed Journal) ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 8 August 2021 Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492. P. 46-52

7. Н Ахмаджонов, А Рўзиматова. Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир. o'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. УДК:40/42/48. IISS: 2181-3302.SJIF:4.621 2022. 08.20. 10-Son. Б.104-109

8. Axmadjonov Nurbek, Xabibullayeva D. Classification and linguocultrological characteristics of precedent units. fars international journal of education, social

science humanities. issn: 2945-4492. 10(12); 2022; Impact Factor: SJIF 2022 6.786. P. 777-780

9. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент, Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD) Бадиий матнларда прецедент номларнинг метафорик аҳамияти ҳақида. ijodkor o‘qituvchi jurnali. 5 yanvar / 2023 yil / 25 – son. issn: 2181-2330. impact factor: sjif:4.833. 2022. b.155-159

10. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент, Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д ((PhD). Прецедент бирликларнинг тадқиқи ва таснифи. o‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. iiss: 2181-3302.sjif:4.621. 14-son. 20.12.2022. b.1235-1237

10. Nurbek Akhmadjonov, Gulzoda Dadamirzayeva Signs of a precedent name (example of the name “Berliner Mauer”). "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3.848 (SJIF) January 2023 / Volume 4 Issue 1. Б.1178-1183

11. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент, Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD). Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларни тадқиқи. o‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. iiss: 2181-3302.sjif:4.621. 15-son. 20.01.2023. b.233-239

12. Axmadjonov Nurbek, Islomjonova Jasmina. badiiy matnda allyuziv antroponimlarning xususiyatlari journal of advanced research and stability volume: 03 issue: 01 | jan - 2023 issn: 2181-2608

13. Mukhtorovna, Y.S. (2021). regularly used phrasal verbs german language. academicia: an international multidisciplinary research journal, 11(3), 673-680.

14.Askarova Sh.I. Tolipova Sh. Ta’limdagi yangi pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalanish. Academic research in modern science. International stiencific-online conference. 2022. –P. 23-26.